

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

2024-YIL,
ОКТАБР, № 19-20
(529-530)

БУХОРО ҲОШИЛАРИ

“Раҳбар ва ёшлар”

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy, adabiy-badiiy gazeta

ЁШЛАРИМИЗ – ЭРТАМИЗ



Бугунги кунда давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни ҳуқуқий, маънавий етук, мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишдир.

Бухоро вилоят Ҳарбий прокурори, полковник Акбар Бобоев, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Ориф Мирзаевларнинг Пешку ёшлари билан учрашуви қизгин мулоқот ва мунозараларга сабаб бўлди.

- Сиз ёшлар, бизнинг эртаимиз-сиз. Сизни қийнаётган муаммо ва ўртага ташлаётган тақлифларингизни бартараф этиш учун биз бугун хизматингиздамыз. Етук мутахассис, она юртимизга керакли шахс бўлиб етишишларингиз учун сидқидил-

дан ҳаракат қиламиз,- деди Ориф Мирзаев.

Учрашув очик ва самимий мулоқот тарзида кечди.

Бошқарма ходимларига бириктирилган оталиққа олинган ёшлар орасидан тенгдошларига ўрнак бўлган ва ижобий натижаларга эришган ёшлар ва маҳалла етакчиларига эсдалик совғалар ва фахрий ёрликлар топширилди.

Иштирокчилар учун ёнгин кутқарув ва кутқарув асбоб-анжомлари кўргазмаси намойиш қилинди.

“БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КУШАНДАСИ”

Шу шиор остида Марказий банк Бухоро вилоят бош бошқармасида ўқув семинар ўтказилди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият курилишининг барча соҳаларида бу иллатга чек қўйишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, коррупция барча мамлакатларга таҳдид солувчи мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳодиса бўлиб, у ҳар қандай давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатувчи хавfli омилдир.

Ҳар қандай жамиятда ушбу иллатга қарши курашиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонунчилик асосларини такомиллаштириш, давлат органларининг, жамиятнинг очиқлигини таъминлаш, ахборотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида аҳамиятли ишлар амалга тағбиқ этилмоқда.

Марказий банк Бухоро вилоят бош



бошқармасида ўтказилган ўқув семинари ҳам айнан шу мавзуга қаратилди. Унда вилоят Адлия бошқармаси масъуллари томонидан кун тартибдаги масала юзасидан атрофлича тушунтиришлар берилди. Хусусан, банк тизимида бу иллатга қарши курашиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид жавобгарликлар, унинг олдини олиш бўйича доимий тарзда профилактика

тадбирларини ташкил этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинарда иштирокчиларнинг саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

Шермат Жўраев,
Марказий банк Бухоро вилоят
бош бошқармаси бошлиғи
ўринбосари.



КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

- Қўни-қўшнилари кўпинча суҳбатлашганда, "каттаконлар димоғдор бўлишади, улар биз, камбағалларнинг уйига келармиди?" дейишгани учунми, кўз олдимга, негадир, каттакон деганда баджаҳл ва кўпол одам гавдаланарди.

Йўқ, унақамас, каттаконлар ҳам жуда яхши одамлар экан. Улар мени бағрига босишди, ҳол сўрашди, совғалар беришди. Ҳатто, қўлларимни силаб-сийпалаб, пешонамдан ўпиб, орзуларимга эришишимга ёрдам беришларини айтишди", -когонлик 12 ёшли Шохруҳбек тўлиб-тошиб сўзлади.

Бухоро вилояти ҳоқими ўринбосари Мирали Ҳамроев ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси раҳбари Умиджон Умаровнинг Когон туманидаги аҳоли хонадонларида бўлишгани болаларда шундай илиқ таассурот қолдирди. Улар ўзларига бириктирилган оилаларни чуқур ўрганишди.

Айтиш ўринлики, маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, камба-

ғал оилалар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари юзасидан Президент Шавкат Мирзиёев томонидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши ҳар бир раҳбар зиммасига катта масъулият юклади.

Хонадонларда оилалар билан суҳбатлар самимий кечди. Уларга амалий кўмак бериш, моддий, маънавий жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш, бандлигини таъминлаш, уларни оғир ижтимоий вазиятдан олиб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Болажонлар тили билан айтганда, "каттаконлар" кириб бораётган хонадонлар файзга тўлаверсин. "Камбағалликдан фаровонлик сари" тақбири ҳар бир хонадонга хотиржамлик ва барака олиб кирсин.



Эътибор берадиган бўлсак, бизда оилада ҳам, мактабда ҳам болага биринчи ўринда яхши ўқиса, олий таълимга ўқишга кириши, талаба бўлиши ва шу орқали бирор ишга кириши уқтирилади.

2

Кейинги вақтларда ёш оилалар ўртасида ажримлар сонининг ошаётгани беvosита оила институти инқозининг салбий кўринишларини ўзда намоён этмоқда. Айниқса, никоҳларнинг барқарор эмаслиги, никоҳсиз болалар туғилишининг кўпайиши, фарзанд тарбиясига эътиборсизлик авж олаётгани оғриқли муаммога айланмоқда.

ЁШЛАР оилавий ҲАЁТГА ТАЙЁРМИ?

Бундай вазиятларда зарур чора-тадбирларни кўриш муҳимдир. Оила институтини мустаҳкамлаш, аёллар ва ёшларга оид муаммоларни энг қуий поғона, яъни маҳалладан бошлаб, манзилли аниқлаш кун талабига айланиши керак.

Яқинда кўпсонли оилаларни қийнаб келаётган бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Ғиждувон туманида Оила ва хотин-қизлар бўлими қошида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш маркази ташкил этилди. Марказга соҳа мутахассислари жалб этилиб, 6 та йўналиш бўйича никоҳланувчиларни турмушга тайёрлаш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий турмуш психологияси, репродуктив саломатлик асослари, иқтисод ва оила бюджети, ота-оналик ижобий кўникмалари, маънавий-ахлоқий қадриятлар йўналишида олиб борилаётган сабоқлар оила кураётган ёшларда кўникмалар ҳосил қилмоқда.

Никоҳланувчи шахсларни оилавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича тизимли тайёрлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

борасида биринчи йўналиш сифатида “Оилавий ҳуқуқий муносабатлар” бўйича ўқитиш жорий қилинмоқда. Нима учун оилавий ҳуқуқий муносабатлар биринчи ўринда? Чунки никоҳланувчилар янги ҳуқуқий мақом остонасида турганликларини, улар эр ёки хотин, деган мақомни олгач, зиммаларида Қонун томонидан юкланаётган ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб етишлари лозим. Айни пайтда марказда 755 нафар жуфтлик ўқитилди ва уларга сертификатлар топширилди. Бундай сертификатга эга бўлган оилаларнинг 3 йиллик, 5 йиллик, 7 йиллик оилавий турмушларидаги ўзгаришлар маҳаллабай тарзда мониторинг қилиб борилади. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказининг ижобий самара бериши учун саъй-ҳаракатдамиз. Бу албатта, келажакда оилавий ажримларнинг олдини аҳамият касб этади.

Истат Камолова,
Ғиждувон туман ҳоқими
ўринбосари.

САВОДСИЗликдан уялмайдиган АВЛОД

(Давоми, боши 1-бетда)

Натижада бир тоифа ўқувчилар ўзи эгалламоқчи бўлган соҳага тегишли фанларнигина ўқий бошлайди.

Ўқишни истамайдиган, дипломи шарт, деб билмай, бирор касбни эгалламоқчи бўлган ўқувчилар эса умуман ўқимай қўяди. Бундайлар оддий кино кўришдан ҳам завқлана олмаслиги мумкин. Дейлик, мактабда тарихни, адабиётни ўқимаган киши машҳур “Троя” киносига нима учун қаҳрамонлар қофияли қилиб, шеърли тилда гапирётганига тушунмайди. Илмий, илмий фантастик киноларни ҳам тушунмай кўради. Турли қочиримлар, илмоқли, кулгили гапларга ҳам тушунмайди. Чунки буларнинг барчаси учун умумий савод муҳим. Мақсад тўғри қўйилмаган жойда на илм, на касб-кор ўз чўққисига етади.

Нотўғри мақсадларнинг салбий оқибатлари эса олий таълимга ўтгач, яққол кўрина бошлайди.

Абитуриент аввал фақат ўқишга кириш учун ҳаракат қилган бўлса, энди диплом учун ҳаракат бошлайди. Мактаб давридан билимини эмас, шунчаки ўқишга киришни устувор билганлар учун дипломи қандай олиш ҳам аҳамият касб этмайди. Кўпчилик абитуриентликдаги билим базаси билан қолиб кетиши сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак. Кейин “дипломим бор-у, иш йўқ”, дейишади, лекин соҳам бўйича яхши мутахассисман деб ўзини эътироф этоладиганлар кам.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “диплом керак эмас”, деган гаплари ҳам шу маънода эди, яъни диплом эмас, кадрнинг салоҳияти муҳимроқ.

Жамиятда “мен филологмидим, буни билсам” ёки “мен математикмидим, ҳисоблай олсам” каби гаплар тез-тез такрорланади. Аслида, шундай вазиятларда оддий бошлангич билимлар сўралган бўлади. Бу жараён

Зарифа Бобоева Бухоро давлат университети спорт фаолияти ва педагогика факультетининг магистратурасининг 1-босқич талабаси. Эришган ютуқларини бирма-бир санаб ўтар эканмиз, юртимизда шундай илгор ёшлар борлиги бизни қувонтиради.

Тиниб-тинчимас Зарифа 2021 йилда “Йилнинг энг яхши аёл спортчиси” номинацияси ғолиби, 2022-2023-ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳибаси бўлган. Миллий гвардия томонидан эълон қилинган “Тўмарис издошлари” танловида ҳам ғолиблар қаторидан жой олган. Айни пайтда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар академияси лидери. У Бухоро давлат университети Олтин фонди аъзоси бўлишга улгурган илгор талабалардан. Бундан ташқари, 2021-, 2022-, 2023 йилларда “Йил талабаси” танловида муносиб қатнашиб, кетма-кет 1-ўринни эгаллаган.

“Taekwon-do” спорт тури бўйича Ўзбекистон чемпиони ҳамда халқаро даражадаги турнирлар ғолиби. Ҳар соҳадан бир шингил, деганларидек, Тўмарисмонанд қиз академик эшак эшиш спорт туридан Ўзбекистон чемпиони бўлган. Жиззах шаҳрида ташкил этилган “Зомин опен” нуфузли мусобақасида фахрли 1-ўринни эгаллаган. Худди шу спорт турида Қарши шаҳрида ва Бухорода ўтказилган маҳаллий чемпионатларда ғолиб бўлган. 2020 йилдан буён БухДУ спорт ўйинлари ҳамда спартакиадаларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни олиб келмоқда. У спорт устаси сифатида тренерлик фаолиятини олиб бориб, ёш авлоднинг спортга бўлган қизиқишини уйғотишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

Илмга ҳам ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилган Зарифанинг шу кунга қадар 20 дан ортиқ илмий мақоласи хорижий илмий тўпламларда чоп этилган. 2021-2023 йилларда “Янги Нафас”, “Бир Ватанда, бир мақсадда, бир вақтда бирга югурамиз” республика миқёсидаги югуриш марафонидида фахрли биринчи ўрин соҳибаси бўлган. 2023 йилда Зарифа академик эшак эшиш спорт туридан жаҳон чемпионатида фаол қатнашиб,

“Соғлом ҳаёт – бахтли келажак” лойиҳаси доирасида

Зарифа – ТўМАРИС қиз



классификацияни қўлга киритган.

Жорий йилда ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари ноигорлиги бўлган шахслар ўртасида депутатликка номзод сифатида қатнашиш” семинар-тренинг сертификати билан тақдирланди. “Ёшлар” клуби раҳбари.

- Бу ютуқларга эришиш учун инсон анчагина меҳнат қилиши, тер тўкиши керак. Спортнинг ўзига яраша қийинчиликлари мавжуд. Баъзан маънан, баъзан жисмонан қийинчиликларга дуч келганман... Келажакда устозларим ва ота-онам орзу қилгандек эл-юрт корига ярайдиган мутахассис бўлиш энг улуг мақсадларимдан бири,- дейди қаҳрамонимиз.

Зарифа эришган ютуқларида ўзи таҳсил олаётган олийгоҳнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлайди.

Юрт эртаси шундай интилувчан ёш авлод қўлида экан, келажакимиз буюк бўлишига ишонамиз ва Зарифанинг кейин фаолиятида муваффақият тилаймиз.

Дилнавоз Тўхтаева,
“ВУО” газетаси муҳбири.

Албатта, фаҳми етарди ва бу каби иллатлар тарқалиши кескин камаярди. Худди шундай, ҳуқуқий саводхонлиги бўлмаган одамлар ҳам бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига дахл қилаверади, шу билан бирга ўз ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишига ҳам йўл қўяди.

Ривожланиш учун инсон капиталига эътибор қаратилиши кераклиги бот-бот такрорланапти. Аммо илмга эга бўлмаган, умумий савод даражаси паст бўлган инсон капитали ҳеч кимга керак эмас ёки уларнинг қадри паст баҳоланади. Шу сабаб ҳуқуқнинг юқори доираларида ҳам бунга эътибор берилмапти, лекин кишиларнинг ўзи дунёқарашини ўзгартирмас, нажот илмда эканлини чуқурроқ англамас экан, булар бефойда бўлиб қолаверади.

Шаҳобиддин Луқмон

Ҳар соҳада ҲАЛОЛЛИК муҳим

“Ўзмилийбанк” АЖ Бухоро вилояти Бош бошқармасида коррупцияга қарши курашининг замонавий тизимларини жорий этиш ҳамда банк тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида муайян ишларга қўл уриляпти.

Бугунги кунда банк иши жараёнида операцияларнинг инсон омилсиз амалга оширилаётгани, яъни электрон тўлов тизими орқали ўтказмаларнинг йўлга қўйилгани турли муаммоларнинг келиб чиқиши олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Ўзмилийбанк” АЖ Бухоро вилояти Бош бошқармасида коррупцияга йўл қўймастик ва унинг олдини олиш, коррупциявий

ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш борасида аниқ режалар асосида иш юритиб келинмоқда.

Албатта, ҳалоллик бор жойда турли иллатларга ўрин қолмайди. Шу маънода кадрларни ҳалоллик, поклик туйғуларни билан уйғун ишлашларини таъминлаш коррупцияга қарши курашишда муҳим вазифани ўтайди. Буюк бобокало-



нимиз Амир Темура ҳам ҳалоллик, ростликни ички ва ташқи сиёсатни

юргизишда, оила тарбиясида, дину диёнатга риоя этишда бош қадрият,

деб билган. Шу маънода, улуглар ўғити орқали жамият аъзоларининг онгида коррупцияга қарши муросасизлик маданиятини кучайтириш лозим. Коррупцияга қарши курашиш фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз.

Сухроб Исмаилов,
“Ўзмилийбанк” АЖ
Бухоро вилояти
Бош бошқармаси Хавфсизлик,
режим ва ахборотни
ҳимоялаш бўлими Комплаенс
назорат ва коррупцияга қарши
курашиш бўйича
бош мутахассиси.

“ТЕЛЕФОННИНГ БОЛАСИ”ГА ЧЕКЛОВ эмас, МЕЪЁР керак

“Ўғлимга телефон беринг, кейин овқатланади...”

“Хар доим қизимни телефон билан овутаман...”

“Ишларимни битиргунча, телефон ўйнаб турсин,
йўқса, менга ҳалал беради...”

Бу каби сўзларни сўнгги кунларда кўп эшитадиган бўлдик. Ҳатто, кулоғимиз ҳам ўрганиб қолди. Боланинг бироз тинчланиши учун телефондан фойдаланамиз, деб аслида, болани шунга ўргатиб қўйганимизни сезмай қоляпмиз.

Бундан 10 йилча илгари болаларни телевизордан “ҳимоя қилиш” кераклиги авж олганди. Болалар телевизор тагига кириб олиб, соатлаб томоша қилишидан ота-оналар арз қилишарди. Кўриш қобилиятига салбий таъсир қилиши катта муаммо эди улар учун. Ҳозир-чи? Ҳозир бола телевизор кўриб, телефонга ошиқмаслигини истаймиз. Аслида, телевизор ҳам зарарли эканини биламиз, лекин, телефонда ўтиргандан зиёни камроқ-да, дея ўзимизни ўзимиз овутамиз.

“Фарзандим телефонга берилмайди. Бунга асло йўл қўймайман”, -деб катта гапиришдан олдин аввал ўзимизни тарбиялашимиз керакмасмикан?! Чунки ўзим ҳам худди шу фикрлар билан қизимни тарбиялайман, деб ўйлардим. Ҳеч кузатганмисиз, мактаб ёшигача бўлган бола қачон телефонга ошиқади. Статистик маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда туғилётган болаларнинг ҳар 10 тадан 8 тасини телефондан “ажратиш” муаммога айланапти. Фарзандларнинг аксарияти 5-10 дақиқа эътиборсиз қолганда, бирор ўйин ёки юмуш билан чалғимаганда,


телефондаги турли ўйин ва видеолар кўриш керак, деган сигнал миясига етиб борар экан. Натижада нафақат, кўриш қобилиятига балки, суякларининг нотўғри ривожланиши ва ақлий фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Аввало, болада психологик тобелик юзага келиб, феълида беқарорликни пайдо қилади. Қомат бузилиш ҳолатлари юзага келиш эҳтимоли мавжуд экан.



Хўш, бу одатдан қандай халос бўлиш мумкин?

Бу каби салбий асоратларни олдини олишда “техника асри” болаларини смартфонлардан бутунлай чеклашнинг имкони йўқ. “Асални ҳам ози ширин”, дегандек биринчи навбатда смартфондан фойдаланишда меъёрни ўрнатиш жиддий касалликларни келтириб чиқармайди. Болаларнинг телефондан фойдаланаётганда фикрлашига таъсир қилувчи ўйин ва роликларни назорат қилиш орқали ижобий натижага эришиш мумкин. Қолаверса, бу борада болаларга ўрнатилган энг маъқул йўллардан бири. Биз катталарда ҳам бўш қолганда ёки дастурхон бошида телефон титкилаш одати шакланган. Зарурат туғилмаса, ундан боланинг ёнида фойдаланмаслик нур устига аъло нур, албатта.

Энг қизиғи, ҳар биримизнинг хонадонимиз “оёқ боссанг жой йўқ” тарзида болалар ўйинчоқларига тўлиб кетган. Афсуски, биттагина смартфон олдида бу ўйинчоқлар болалар учун арзимас матодек. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтишим



мумкинки, бола оила аъзоларининг биридан ёки кимдандир ҳайиқиши телефондан чеклашга ёрдам беради. Шунингдек, ақлий ривожлантирувчи ўйинлар ўйнаш, ўйинчоқлар олиб бериш ва суҳбатлашиш боланинг кенг фикрли ва салоҳиятли бўлиб ўсиши учун муҳим саналади.

Биз телефонсиз яшашни тасаввур қилолмаймиз. Иродаимизнинг кучи билан ундан узоқлашишни эплай оламиз. Аммо, болаларда бу

тасаввурнинг шаклланиш вақти анча қийин бўляпти. “Телефон боласи”нинг хархашаси, инжиқликларига қарамай, смартфондан фойдаланишда меъёрни ушлаб туриш фарзандимизнинг ақлан ва жисмонан бениқсон ўсишига ҳисса қўшади. Зеро, уларнинг келажаги учун тўғри йўлни кўрсатиб бериш ўз қўлимизда.

**Зулфизар Мавлонова,
“ВУО” газетаси мухбири.**

Қизларни пуллаш учун

ДУБАЙГА ЖўНАТАЁТГАН АЁЛ 5 йилга қамалди

1992 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Мафтуна Аминова бир нафар фарзанди билан турмушдан ажралгач, енгил-елли турмуш тарзига берилган. Илгари ҳам бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг турли бандлари билан жазоланган.

Бироқ, бу гал унинг ҳатти-ҳаракатларига чек қўйдик. Ўз қилмишларига яраша жазо олишда йиллар

давомида унинг аёллиги, вояга етмаган фарзанди борлиги инобатга олинган. Қатор суд органлари

томонидан озодликни чеклаш жазосини олган аёлнинг адолатли ҳукмларга нисбатан беписанд қарагани бу гал уни темир панжара ортига равона қилди. Турли ёшдаги аёлларни сотиш, уларни Дубай шаҳрига фоҳишалар учун жўнатаётгани фош этилди.

Мафтуна Аминова Бухоро шаҳрилик аёл Дурдона Мажидова (исми шарифи ўзгартирилган) ни Дубай шаҳрига боришини, сўнг Таиланд давлатидан қайтиб келишини айтган. Дубай шаҳрига кетиши учун йўл харажатларини ўз ҳисобидан тўлашини, кейинчалик ушбу харажатларни “хизмати” эвазига қайтаришни талаб қилган. Унинг қўлидан фуқаролик паспортини олиб қўйган. Айни Тошкент халқаро аэропорти орқали Дубай шаҳрига самолётнинг учиши

олдидан Мафтуна Аминованинг кирдикорлари фош этилган. Бухоро вилоят ИИБ ЖКБ ва ДХХ Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ушланган Дурдона Мажидова шу самолёт орқали бошқа аёлларнинг ҳам жўнатилаётганини айтган.

Аввалига саросимага тушиб, кейинги икки нафар аёлни “ганимайман, буларни биринчи марта кўриб турибман” деган Мафтуна орадан кўп ўтмай, айбига иқдор бўлишга мажбур бўлган. Бироқ, унинг айбига иқдорлиги, қилмиши-

дан пушаймонлиги, аёллиги, оилавий шароити, узру-надоматлари ўзига тегишли жазони енгиллаштиришга асос бўлмади. Суд ҳукми билан 5 йил муддатга қамок жазоси тайинланган Мафтуна Аминовага нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда ўташи қўлланилди.

**Нозимжон Жўраев,
Бухоро вилоят судининг
Жиноят ишлари бўйича
судьяси.**



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ:



UNG

КЕЧА ВА БУГУН

ВУХОРО НQIZ

Мўъжизага айланган қора олтин макони

1992 йил. Баҳор ойлари эди, адашмасам. Газетанинг янги сонини тайёрлаш учун биз, ходимлар шашт билан ишлаб турибмиз. Газетада эълон қилинадиган материаллар кўп. 8 саҳифадан 1 та саҳифа қолган. Бу саҳифада газетхонлардан келган хатларнинг қайси бирини жойлаштириш ҳақида кенгашяпмиз. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Бош муҳарриримиз Саидбурхон Қодиров гўшакни кўтарди. У телефон орқали суҳбатда нимадандир хурсанд ва мамнун ҳолатда: “Йўғе-е, зўр-ку, ажойиб. Худо хоҳласа, бойиб кетарканмиз-да! Бўлди. Битта мухбиримни жўнатаман”,- деди. Гўшакни қўяр-қўймай:

-Қоровулбозорда қора марварид топилибди. Лайло, сен борсан!-деб қолди.

Ҳаммамиз ҳангу-манг. “Қора марварид” нима экан?! Ҳамкасбимиз менга кулимсираб қаради ва пичирлади: “Қора марварид” – бу вино”

Суҳбатимизни бош муҳарриримиз эшитиб қолиб, қаҳ-қаҳ отиб қолди.

- Йўқ, қора марварид – бу нефть. Узоқ чўл худудидан нефть отилиб чиқаётганмиш. Бу жудаям ажойиб. Элни бой қилади, юртни бой қилади,-деди бош муҳарриримиз.

Мен ҳам бошқа таҳририятлардаги бир нечта ҳамкасблар қатори Қоровулбозор туманига йўл олдим. Узоқ чўл. Ҳад-ҳудудсиз кенглик. Қуёш тиғи куйдиради. Бунақа кўмлок чўл кенглигини биринчи мартаба кўраётганим учунми, ҳайратим баланд эди... Ниҳоят, манзилга яқинлашдик. Нефть чиққан худуд эса анчагина олисроқ масофада. Ҳимояланган кийим ва каскалардаги ишчи-ходимлар у худудга яқин бориш таъқиқланганини билдиришди. Кўп фурсат ўтмай, бир нечта мутасаддилар келишди. Маълумотлар беришди. Чўл худудидан нефть отилиб чиққани, тез ойлар ичида атрофи ҳимояланиши, илмий тадқиқотлар ўтказилиши, хулосаланиши, агар хулосалар ижобий натижага эга бўлса, нефть ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхона, балки завод бунёд этилиши хусусида тўлиб-тошиб сўзлашди. Республикаимизнинг турли худудларида барпо этилган заводлар қаторидан жой олиши мумкинлиги билдирилди.

Мутасаддиларнинг сўзини тинглар эканмиз, бу ноёб топилма қора марварид эмас, балки “қора олтин”, деган агамага менгзадик...



Ўшанда газета саҳифаларида “Олис чўл худудидан “қора олтин” отилди” сарлавҳаси остида мақола чоп этилганди.

Куни кеча бугун дунёга бўй кўрсатган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида бўлдик. Завод худудига кириб борар эканмиз, бизни олис чўл худудидан барпо этилган яшил олам қаршилади. Тикилсангиз кўз қирингиз етмайдиган баланд-баланд мевали, манзарали ҳамда ноёб дарахтлар, ям-яшил ўт-ўланлару анвойи гуллар... ўзингизни ўрмон бағрида, хушхаво манзилда ҳис қиласиз. “Яшил макон” миллий дастури ғоятда фаол қўллаб-қувватланганига гувоҳ бўласиз. Аслида, чўл бағридаги бу яшил оламга кириб келар экансиз, беихтиёр кўнглингиздан: “Наҳотки, чўлнинг қуёш тиғию шамол изғиринида шу қадар яшил олам яратиш мумкин?”-деган кечинма ўтади.

- Ҳаммаси ортида меҳнат турибди. Ишлаб чиқаришнинг экологик таъсирини минималлаштириш мақсадида атрофни яшил олам билан тўйинтирмоқдамиз. Ўн мингдан ортиқ дарахтлар бор. Ҳаммаси рақамлаштирилган. Бундан ташқари, завод худудини ободонлаштириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида томчилатиб сугориш тизими ҳам жорий этилган,-деди бизга ҳамроҳлик қилган техник бўлим бошлиғи Бекзоджон Ҳайдаров завод худудидан амалга оширилаётган экологик лойиҳалар ҳақида сўзлар экан.

Айтиш жоизки, 1993-1997 йилларда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи заводи барпо этилиб, фойдаланишга топширилган. Ишлаб чиқаришнинг технологик қисмини муҳандислик таъминоти билан жиҳозлаш, ёрдамчи иншоотлар комплексини лойиҳалаш ва

қуриш бўйича фаол ишлар олиб борилган. Ушбу жараёнда углеводородларни қайта ишлаш соҳасида фан ва техниканинг энг замонавий ютуқлари ишлатилган. Заводнинг технологик қисмини лойиҳалаш ва



қуриш Франциянинг “Merichem” компанияси иштирокида амалга оширилган. Туркиянинг “Гамма” компанияси заводнинг технологик қисми қурилишида иштирок этган. Заводда турли маркалардаги автомобил бензинлари, авиация ёқилгиси, “Эко” дизел ёқилгилари, пиролиз газолини, пропан совутгичи, суюлтирилган газ, техник олтингургут каби талаб юқори бўлган нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Халқаро стандартларга мувофиқ қурилган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган объектларни кузатар эканмиз, заводда медресизация ва реконструкция лойиҳаси жуда мукамал яратилганга гувоҳ бўламиз. Муҳандислик-коммуникация тизимида, насос станциялари реконструкцияларини,

қўшимча куйиш-тўқиш майдончаларидаги иш жараёнлари диққатимизни тортади.

- Завод яшарибди,-деди ҳамкасбимиз ёш ишчи-ходимларни кузатар экан.

Дарҳақиқат, шундай! Юқори сифатда ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотларининг дунё юзини кўраётганида бевосита ёш ишчи-ходимларнинг ҳам ҳиссаси катта эканини кўриш мумкин.

- Ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган. Завод вақилари - ёш мутахассислар ўртасида касб мазоратини оширишдан ташқари, уларнинг спорт, санъат ҳамда интеллектуал салоҳиятларини ошириш борасида ҳам олиб борилаётган ишлар самарали. “Заковат” билимдонлар ўйинлари орқали ёш ишчи-ходимларимизнинг кенг дунёқараш билан илмга интилишларини кузатиб, ўзимиз хурсанд

Заводнинг ёш ишчи-ходимлари билан танишувимиз ажойиб кечди. Айниқса, заводнинг “Қувноқлар ва зукколар” гуруҳи етакчиси, ҳазилмуйтойбага бой Фирузжон Бобоев билан суҳбатимиз хурсандчиликка бой бўлди. Хом-ашё ва тайёр маҳсулотлар цехи машинисти Фирузжоннинг ичагузди хангомалари барчага кайфият бағишлади.

HR хизмати, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими етакчи муҳандиси Абдурахмон Рашидовнинг билим салоҳияти эътиборимизни жалб этган бўлса, Ферангиз Ҳошимованинг кикбоксинг бўйича қўлга киритган ютуғи ҳайратимизни оширди.

- Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кикбоксинг бўйича жаҳон кубогидек кенг қўламли турнирда иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритдим. Зафарларим бошида менинг бугуним ва эртанги куним учун қайғураётган завод жамоаси бўлди, десам адашмайман. Иш фаолиятим давомида сеvimли спорт туризм бўлган –кикбоксинг билан шугулланиш туришига имкон яратган завод масъулларига миннатдорлик билдираман,-деди заводнинг Кўриқлаш департаменти назорат-ўтказиш пункти назоратчиси, жаҳон чемпионати голиби Ферангиз Ҳошимова.

Заводда аёллар жамоаси учун қулай шароит яратилгани мана шундай юксак галабалар учун



бўламиз,-деди завод ахборот хизмати раҳбари Ирода Фатҳулина.

Завод ёшларининг нафақат, билимий қарашлари, балки спорт ва санъатда ҳам пешқадам экани бизни қувонтирди.

- Буг-ҳаво-газ таъминоти цехида кимё таҳлили лаборанти вазифасида ишлайман. Ҳар куни ишга келар эканман, “Мен бугун яна қандайдир ўз фаолиятимда бурилиш ясашим керак, мен ва менинг эртанги учун қайғураётган заводим учун ижобий натижа беришим керак, деган ” ўй-фикрда келаман. Ишдан ташқари, шахмат билан ҳам шугулланиб тураман. Қизиқшим баланд. Яқинда шахмат бўйича ўтказилган халқаро чемпионатда юқори натижага эришганим заводим учун фахр бўлди. Бундан жудаям мамнунман,-деди Лайло Ҳасанова.

пойдевор бўлган, десак адашмай-миз. Билдирилишига, корхонада хотин-қизларга тенг имкониятлар яратиш, уларнинг касбий ўсишига кўмаклашиш, қулай меҳнат шароитларини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, жисмоний нуқсонли бор ходимлар учун ҳам имтиёзлар яратилган.



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ: КЕЧА ВА БУГУН

Мўъжизага айланган қора олтин макони



- Ёш ишчиларни қўллаб-қувватлаш ва шунингдек, гендер тенглигини таъминлаш борасидаги илгор ёндашув бугунги долзарб масаладир,- дейди Ирода Фатхуллина бизни электр энергияси етказиб беришни кўпайтириши мақсадида қуёш панеллари ўрнатилган ҳудудга таклиф қилар экан.

Маълум бўлишича, жорий йилнинг март ойида заводга туташ ҳудуднинг 3 гектар майдонида 3376,5 кВт қувватга эга қуёш-электр станцияси ўрнатилиб, ишга туширилган. Корхона объектларида ўрнатилган қуёш электр станцияларининг жами қуввати 5870 кВт га етган. 2023 йил давомида қуёш электр станцияларида 1 109 900 кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, мазкур объектнинг ишга туширилиши натижасида 2024 йил январь-июнь ойларида 3 742 442 кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилишига эришилган. Завод январь- июнь ойларида жами 52 214 101 кВт.соат электр энергияси сотиб олган. Қуёш электр станцияларидан ишлаб чиқарилган электр энергияси

ҳисобига ойлик истеъмолга нисбатан 12,7% иқтисод қилинишига эришилмоқда. Йил якунига қадар жами 7,5 млн. кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Бир олам таассуротлар билан қора олтин манзилида ташкил этилган пресс-тур саёҳатида давом этар эканмиз, йўлимиз завод ҳудуди қурилган 300 дан ортиқ катта-кичик бино ва иншоотлар орасида бўй кўрсатиб турган БНҚИЗ музейига туташди. Замонавий технология асосида фаолият кўрсатаётган музейда яратилган имкониятлар ҳайратингизни оширади. Завод яратилиши ва бунёдкорлиги йўлида хизмат қилган кичик лавозим эгасидан мансабдор шахсларгача фаолияти хусусида батафсил маълумот олиш тизими фаоллаштирилган. Айниқса, телефонингиз орқали сизга тақдим этилган QR ни белгилаб, сураг устига тўғриласангиз бас, экранингизда сўзамол "одамча" пайдо бўлади ва сизга завод тарихи ҳақида сўзлаб беради. Экранлаштирилган стол ҳам шундай

кўзгу вазифасини бажаради. Завод тарихи музейига ташриф буюрганларнинг тилаклари ва дастхатлари жамланган китобни бир-бир варақлар эканмиз, бу манзилга чинакам тарихий шахслар ташриф буюрганга амин бўламиз.

Чорак аср давомида завод янгиланиш ва ривожланиш пиллапояларини забт этиб келмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида улкан пойдевор

вазифасини ўтаб келаётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маҳсулотларини замонавий ишлаб чиқаришнинг энг илгор технологияларини ўзлаштирди. Янги иш ўринлари яратилди. Замонавий илгор технологиялар билан ишлай оладиган етук кадрлар тайёрлади.

Бугунги кунда 3 500 нафардан ортиқ ишчи-ходим жалб этилган

завод нафақат, Бухоро вилоятининг, балки мамлакатимизнинг sanoat салоҳиятини ривожлантиришда улкан ҳисса қўшмоқда.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводидан узоқлашар эканмиз, беихтиёр кўз олдимизда, ҳали завод тикланмаган, кум бағридан отилиб чиққан "қора олтин" топилган кезде бу манзилга ҳайрат тўла нигоҳлар билан келганимиз гавдаланади. Ўшандаги ҳайрат бугун яна ўн чандон ортиқ ҳайратларга уланди. Чорак аср кўп вақт эмас, аммо, вақт жуда тез, югурик. Худди мўъжиза содир бўлиб, кўз очиб юмгунчалик вақтда шунча ўзгариш ва юксаликлар бўй кўрсатгандек: ҳақиқий ҳайрат шунда!

Ҳақиқатан мақолаимиз аввалида келтирганимиз - устоз айтганидек, юртни, элни бой қилиб бораётган қора олтин макони ана шундай ҳайратлар билан юксалиб бораверишига шубҳа йўқ!

Лайло Ҳайитова



ОЛОТ чегара БОЖХОНА ПОСТИ

Бунёдкорлик одимлари

Бухоро вилояти божхона бошқармаси божхона постларида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ҳамда божхона органлари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига яратилган қулайликлар билан танишиш мақсадида ташкил этилган Пресс-тур қизғин таассуротларга бой бўлди.

Даставвал, чегара божхона пости ҳақида тушунтиришлар берилди. Шундан сўнг пост инфраструктураси, иш тартиби билан бир қаторда, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига енгилликлар яратиш мақсадида амалиётга жорий этиладиган янгилликлар бирма-бир таништирилди.

Олот чегара божхона пости фаолиятига рақамлар таҳлилида назар ташлайдиган бўлсак, 2024 йилнинг ўтган даври мобайнида кириш ва чиқиш йўналишида жами 72 746 та юк автотранспорт воситаси ҳаракатланган бўлиб, бу кўрсаткичлар 2023 йилнинг мос даври билан 7748 тага ошган. Жорий йил бошидан бери божхона пости ходимлари томонидан 132 та божхона қонунбузарлик

ҳолатлари бартараф этилиши натижасида, қарийб 50 миллиард сўмлик ноқонуний товарлар айланмасига чек қўйилишига эришилган.

Пресс-тур давомида божхона соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, Янги Ўзбекистоннинг янги божхонасини барпо этишдек ислохотлар амалга ошириладиган бир вақтда "Олот" чегара божхона пости инфраструктурасини янада яхшилаш мақсадида ҳудудда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари кўздан кечирилди.

Эътиборлиси, журналистлар божхона тизимида рақамлаштириш соҳасидаги ижобий янгиланишлар юзасидан халқаро юк ташувчилар ва фуқароларнинг фикрларини бевосита ўрганишди.



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Божхона маъмуричилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармони га мувофиқ "Олот" чегара божхона постининг йўл қопламасини темир-бетон қопламага алмаштириш ишлари муваффақиятли якунланди. Ушбу ободонлаштириш ишлари га

қарийб 27 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, халқаро стандартларга тўла жавоб бера оладиган ва раван йўллар божхона постидан ҳаракатланувчи фуқаролар ҳамда автотранспорт воситалари учун хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Олот чегара божхона пости терминали Ўзбекистон Республикаси Президентининг

тегишли фармони ижроси юзасидан 28 гектар ер майдони ҳудудидан барпо этилмоқда. Мазкур божхона терминали ўз ичига 1000 дан зиёд юк автомашиналар сиғими га эга автотураргоҳ, божхона омбори, марказий бино, меҳмонхона, савдо марказлари ҳамда ошхоналарни ўз ичига олади. Божхона терминали тўлиқ форматда ишга тушгандан сўнг жами 150 нафар фуқароларни доимий иш билан таъминлай олади.

Қисқа қилиб айтганда, бундан 28 йил муқаддам тамал тоши қўйилган Олот чегара божхона пости бугунги кунга келиб, тубдан янгиланди ва халқаро мақомдаги божхона пости талабларига тўла жавоб берадиган ҳолатда фаолият юритмоқда. Кўхна ва боқий Бухоронинг нафаси уфуриб турган "Олот" чегара божхона постида 24 соатлик узлуксиз иш режими ташкил этилган. Унда 92 нафар божхона органи ходимлари тунни кунга улаб, давлатимиз иқтисодий хавфсизлиги, чегараларимиз ва фуқароларимиз дахлсизлиги йўлида хизмат олиб боришмоқда.

Дурдона Қаюмова,
Бухоро вилояти
Божхона бошқармаси
ахборот хизмати.

МАДАНИЙ МЕРОС

объектларини асрайлик!

Бухоро ўзининг қадимий архитектураси, меъморий мажмуалари билан диққатга сазовор. Бугунги кунда Бухоро вилоятида 829 та маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган. 287 та археология ёдгорликлари, 508 та архитектура, 17 та монументал ҳамда 17 та диққатга сазовор жойлар шулар жумласидандир. Таъмирга муҳтож объектларда уларни асрашга доир амалий ишлар бажарилмоқда. Айтиш жоизки, 2023 йилда шундай 21 та объектда таъмирлаш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Жорий йилда эса манзилли дастур асосида 36 та маданий мерос объектида таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилган.



Бухоро шаҳрининг тарихий маркази 216 гектар майдонни ўз ичига олган бўлиб, у 1993 йилда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Тарихий марказнинг муҳофаза ҳудуди 339 гектардан иборат. Айтиш ўринлики, бундай рўйхатга киритилган тарихий маркази ҳамда унинг буфер зонасида 280 та моддий маданий мерос кўчмас мулк объектлари жойлашган.

2023 йилнинг сентябрь ойида эса Буюк Ипак йўлининг “Зарафшон-Қорақум коридори” йўналишида жойлашган, узоқ тарихга эга 7 та маданий мерос объекти, жумладан, Пойкент, Варахша, Вардонзе, Чор Бақр ва Баҳовуддин Нақшбанд мажмуалари, Вобкент минораси, Чашмаи Аюб ҳазираси ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Маълумки, ҳар бир тарихий объект сайёҳлик манзили сифатида иқтисодий қувватга эга ноёб манзиллар саналади. Айниқса, Баҳовуддин Нақшбанд мажмуаси шундай улуг қадимжолардан биридир. Мазкур объектда олиб борилаётган реставрация ишлари ўзига хос характерга эга. Мажмуадаги бир аср муқаддам бузиб юборилган мангитлар сулоласининг асосчиси Дониёлбий оталиқ мақбаралари ва мадрасалари ўз ўрнида қайта тикланди. “Тоқи миёна” ва “Диловар” дарвозалари реставрация қилинди. “Долони дароз” деб аталади-

ган қадимий кириш йўлаги таъмирланди. 100 ўринли янги таҳоратхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мажмуа ҳудудидаги эски бино музейга мослаштирилди. Қўшимча автотураргоҳларни барпо этиш ва мавжудларини кенгайтириш ишлари жадал кечмоқда. Шунингдек, Нақшбанд ҳазиралари атрофидаги айвонлар том қисмининг созланаётгани, “Даҳмаи Шоҳон” ҳазираларида консервация ишларини амалга оширилаётгани, зиёратгоҳ ҳудудининг гиштли девор билан тўлиқ ўраб

сақланиб қолган. Баҳовуддин Нақшбанд мажмуасидаги Даҳмаи шоҳонда Ситорайи Моҳи хосса дафн этилган ва шу даҳма “Подшо Ойим даҳмаси” номи остида давлат муҳофазасига олинган. Ўзбекистон моддий ва маданий меъросининг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган.

Мазкур мажмуада ҳам таъмирлаш ва реставрация амалларининг бажарилаётгани аҳоли томонидан муносиб қаршилмоқда. Мажмуа ҳудудидаги Аҳадхон саройида жорий таъмирлаш ишлари олиб



олинаётгани диққатга молик.

Маълумки, қадимий ва гўзал, бетакрор Моҳи хосса ҳам сайёҳлик гўшаларидан биридир. Бу манзилда боғли ёзги қароргоҳнинг бир қисми

борилиб, дераза ва эшик ромлари тозаланиб, янги шишаларга алмаштирилди. Ички қисмидаги деворлари қайта таъмирланди. Ташқи фасаднинг устки қисмидаги безаклар тарихий қийматига зарар етказмаган ҳолда тозаланди. Жанубий шарқий қисмида янги девор ҳамда кириш эшиги ўрнатилди. Замонавий ва қадимий уйғунликни ўзида мужассам этиб бораётган Ситорайи Моҳи Хосса бугун гавжум манзилга айланган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳар бир тарихий объект ўз кўринишида сайқалланиб бораётгани хорижий сайёҳлар оқимининг ошишига сабабдир.

Тарихий ва бетакрор гўша – Шариф шаҳарни асраш, унинг ҳар бир асори атиқаларини келажак авлодга кам-кўстсиз етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шаҳбоз Жўраев,
Бухоро Маданий мерос бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.



Давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик кўп соҳаларда ислохотларнинг ривожланишида муҳим омил вазифасини ўтайди.

Ижтимоий шериклик — барқарор ривожланиш демак

Маълумки, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан сўнгги етти йилда 718 миллиард сўм ажратилган. Сўнгги 3 йилда эса ҳудудий фондлар орқали 83 миллиард сўмлик 1600 та лойиҳа амалга оширилган.

Демак, ижтимоий шерикликнинг аҳамияти шундаки, бу орқали жамиятнинг барча қатламлари муаммоларини ҳал қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва иқтисодий-ижтимоий соҳаларда мувозанатни сақлашда аҳамият касб этади. Шунингдек, жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилади, аҳолининг фаол иштирокини таъминлайди ва давлат дастурларини самарали амалга оширишга кўмаклашади. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда Бухоро вилоятида 600 дан ортиқ ННТ жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассасалар, уюшма ва иттифоқлар шаклида рўйхатдан ўтиб, фаолият юритиб келмоқда.


Бухоро вилояти ҳокимининг 2024 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сонли “Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори тасдиқланган бўлиб, унда Стратегия доирасида давлат дастури белгиланган. Дастурни амалга оширишда вилоятдаги 19 та ННТ жалб қилинган.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий шериклик — бу жамиятнинг барқарор ва ҳамжиҳат ривожланишини таъминловчи муҳим воситадир.

Қаҳрамон Муҳаммедов,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази
Бухоро вилояти ҳудудий бўлинмаси мутахассиси.

Алоқа линияларини муҳофаза қилайлик!

Алоқа линияларига зарар етказишнинг олдини олиш, ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймастик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон “Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиниши мустаҳкамлаб қўйилган.



Алоқа коммуникациялари ишини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш таъқиқланади. Алоқа коммуникацияларини тузатиш бўйича йўлнинг устки қатламларини олиб ташлашни ва ерни қазини талаб қиладиган ишларни бажариш баробарида ҳокимликлар билан келишиб олингандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, алоқа коммуникациялари муҳофаза қилинадиган ҳудудда ёки трассалардаги очиқ жойларда ишларни олиб боришга ёзма ҳолдаги розилик бўлиши муҳим. Бу талаблар бузилган ҳолларда алоқа коммуникацияси эгаси ишларни тўхтатишни талаб қилишга

ва бу ҳақда тегишли баённома тузишга ҳақлидир.

Алоқа кабеллари узилиши ҳолатларининг олдини олиш ва тўхтатиш мақсадида мунтазам кўриқлаш ишларини кучайтириш ва назоратчи ходимлар жавобгарлигини ошириш шарт. Зеро, ҳар бир амалга оширилган ноқонуний ҳаракатга жавобгарлик муқаррардир.

Шухрат Сайфиддинов,
“Ўзкомназорат” инспекциясининг Бухоро вилояти ҳудудий шубҳаси бош мутахассиси.



Хабарингиз борми?

Ўқитувчилар куни қайси давлатда қайси санада нишонланади?

**ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР –
КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР**

“1-октябрь – ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев соҳа вакиллари билан келгусидаги устувор вазифалар юзасидан мулоқот ўтказди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда таълим-тарбия соҳасида фаолият юритаётган ходимларни байрам билан қутлар экан, “...Аввало, ўқитувчининг ўзи ҳуқуқий, ижтимоий ва молиявий томондан ҳимоя қилинган ва етарли таъминланиши керак”, дея Янги Ўзбекистонда устозлар қадри ва ҳуқуқий манфаатлари янада баланд бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Педагогларнинг эътибори ҳаммиса таълим беришга қаратилган бўлиши ва ортиқча юмушларга жалб қилиш эса “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонунга кўра, жавобгарликка тортилишини айтиб ўтди.

Ушбу қонун касб эгаларининг ҳуқуқий ҳимоясини ўзида намоян этса, молиявий томонлама қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилган. Ўз устида ишлаган ва доимий равишда маҳоратини ошириб боровчи педагоглар саъй-ҳаракати билан 10 миллион сўмдан ортиқ маош олиш имконига ҳам эга бўлдилар.

Мулоқот давомида Президент таълим ва педагогика соҳасида эришилган қўллаб-қувватлаш муваффақиятлар қатори соҳада айрим камчиликларни бартараф этиш лозимлигини ҳам таъкидлади. “Қанча ислоҳот қилмайлик, биринчи навбатда ўқитувчининг билими ва касб маҳоратини оширмас эканмиз, сифатли



**Рустам Раҳимбоев,
Бухоро давлат
Педагогика институти
ректори ёрдамчиси.**

таълимни таъминлай олмаймиз”, - деди.

Таълим камчиликлари тўғрисида сўз борар экан, педагогларнинг малака ошириши шартлигини англаш мумкин. Бу борада ўқитувчиларнинг касб маҳоратини яхшилашга масъулият билан ёндашиш кераклиги белгиланди. Эндиликда барча малака ошириш марказлари замонавий қиёфага келтирилиши вазифаси берилди. Фаол педагоглар учун “Касбий ривожланиш куни”, “Касбий ривожланиш соати” ташкил этиладиган бўлди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, таълимнинг ривожини учун

амалга ошириладиган ислохотлар натижасида мамлакатимизда етакчи ўқитувчилар сафи кенгайди. Ўқувчи ва талабаларнинг китоб ўқиш, таълим олишга бўлган иштиёқи ортади. Айниқса, педагогларнинг ҳам молиявий, ҳам қонуний қўллаб-қувватланиши, ҳатто, уй-жой билан таъминланиши таълим тизими пойдеворини мустаҳкамлашга муносиб такбир бўлади. Бундан ташқари, ёшларга таълим бериш, тарбиялаш, ўз устида ишлаш уларнинг асосий эътибор марказида бўлишини мустаҳкамлайди. Зеро, таълимга эътибор – келажакка эътибор, демакдир.



Ўқитувчи ва мураббийларга алоҳида эҳтиром кўрсатиш мақсадида ЮНЕСКО ва Халқаро меҳнат ташкилотининг саъй-ҳаракатлари билан 1994 йил 5 октябрь кундан “Бутунжаҳон ўқитувчилар куни” сифатида белгиланган.

Ўзбекистонда эса ушбу кун 1996 йил 1 октябрдан бошлаб, “Ўқитувчи ва мураббийлар” куни сифатида нишонланади.

Қизиқ, бу байрам бутун дунёда йилнинг қайси санасида нишонланади? Куйида ушбу байрам дунё мамлакатларида айнан йилнинг қайси санасида ўтказилишини билиб оласиз.

Озарбайжон, Арманистон, БАА, Бангладеш, Буюк Британия, Германия, Камерун, Канада, Қатар, Қозоғистон, Қуввайт, Литва, Маврикий, Мальдив, Мьянма, Нидерландия, Покистон, Россия, Руминия, Шимолий Македония, Филиппин ва Эстония давлатларида ЮНЕСКО ва Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинган “Бутунжаҳон ўқитувчилар куни” да нишонланади.

Белоруссия, Латвия, Украина ва Қирғизистон давлатларида октябр

ойининг биринчи якшанбасида нишонланса, Австралияда эса ушбу кун октябрнинг охириги жумасига тўғри келади.

Алжир, Миср, Иордания, Яман, Ливия, Марокко, Саудия Арабистони ва Тунис давлатларида 28-февраль кунинда байрам қилинади.

АҚШда ушбу кун “Миллий ўқитувчилар куни” деб номланади ва май ойининг биринчи тўлиқ ҳафтасининг сешанба куни, Сингапурда эса сентябр ойининг биринчи жумасига тўғри келади.

Аргентинада ўқитувчилар куни Доминго Сармьентонинг хотираси билан боғлиқ бўлиб, 11 сентябрда байрам қилинади.

Албанияда 7 март, Бразилияда 15 октябр, Вьетнамда 20 ноябр, Грецияда

30 январь, Индонезияда 25 ноябрь, Испанияда 27 ноябрь, Ҳиндистонда 5 сентябрь, Хитойда 10 сентябрь, Корея Республикаси ва Мексикада 15-май, Оманда 24 феврал, Польшада 14 октябр, Словакияда 28 март, Таиландда 16 январь, Туркияда 24 ноябрь кунлари байрам қилинади.

Устозлар байрами – мамлакатда расмий дам олиш куни ҳисобланган давлатлар кўп эмас. Расмий дам олиш куни ҳисобланган давлатларга Ўзбекистон ва Таиланд кирди.

**Комил Исманов,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари
Академияси Қуролланиш ва отиш кафедраси катта
ўқитувчиси, подполковник.**

Ёшлар ВАТАНПАРВАР бўлсин



Ватанга муҳаббат инсонни эзшу марралар сари йўналтириб, унга бениҳоя улкан куч-қудрат ато этиши ҳеч кимга сир эмас. Мана шу эзгу мақсад йўлида амалга ошириб келинаётган маънавий-маърифий тадбирларимизда қанчадан-қанча истеъдодлар кашф этилмоқда, юзага чиқмоқда.

Ғиждувон туманидаги Тошлоқ маҳалласи ёшлар етакчиси Сардор Йўлдошев ташаббуси билан, Миллий гвардия ходимлари ва 34-мактаб маъмурияти ҳамкорлигида ўтказилган “Ватанпарварлик – олий фазилят” номли кеча ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилди. Унда жам бўлганлар шукроналик руҳидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, ватанпарварлик туйғусининг, китобларнинг инсон шахси шаклланишидаги роли хусусида куюнчалик билан фикр билдиришди.

– Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини шакллантириш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдорлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган тадбиримиз маънавий соҳадаги ишларимиз давоми сифатида кўпгина ёшларда катта таассурот қолдирди, - дейди маҳалла ёшлар етакчиси Сардор Йўлдошев.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшлар ҳар бир қурол-аслаҳа, махсус во-



ситаларнинг вазифалари, уларнинг тактик-техник тавсифлари, қисм ва механизмларининг ишлаш принциплари билан тўғридан-тўғри танишдилар ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислардан тўлиқ жавобларни олдилар.

Ёшлар етакчиси:

ЗИММАДА ЗАЛВОРЛИ
ЮК БИЛАН...

Ёшлар билан ишлаш олиш кўникмасига эга Бухоро шахридаги “Жўбор” маҳалла фуқаролар йиғинида фаолиятини олиб бораётган етакчи Исмоил Боймуродов 2023 йилдан кўп сонли ёшлар орасида. 2001 нафар ёшга етакчилик қилиб, уларнинг ҳаётига шижоат олиб кирмоқда.



“Илм-маърифатни талқин қилиш, ёшларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш етакчига таниш ҳолат. Маҳалладаги 100 нафардан ортиқ ёш айнан етакчи саъй-ҳаракати билан “Беш ташаббус” олимпиадасида фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришган.

айланди. Бунда “Ibrat academy” иловаси ёрдамга келди, десак адашмаган бўламиз. “Жўбор” маҳалласида истиқомат қилувчи 370 нафардан ортиқ ёшлар ушбу илоадан фойдаланиб, керакли билимларни эгаллаб олди. Бундан ташқари, 106 нафар ёш тил билиш даражасини белгилаб берадиган сертификатни қўлга киритди. Миграцияда бўлган 11 нафар ёш билан доимий алоқа ўрнатилган.

Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ёшлардир. Ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлган ҳолда ўзлигини ҳам унутмаслиги лозим. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб туриши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Исмоил каби тиришқоқ ёшлар етакчиларининг зиммасида қанчалар залворли юк турганини илғаб олиш мушкул эмас.

Дилназов Тўхтаева

УСТОЗЛАР
МЕҲНАТИ УЛУҒ

Бухоро туманидаги “Зарманок” маҳалла фуқаролар йиғинида 714 нафар ёшлар истиқомат қилади. Уларнинг эришган ютуқлари эътирофга муносиб.

Ютуқлар ҳақида сўз кетганда, кўз ўнгимизда унинг ортида турган устоз ва мураббийлар, ёшлар етакчиларининг хизмати гавдаланади. Шубҳасизки, ёшлар ўз-ўзидан бу даражага эришишмагани аён. “Зарманок”да яшовчи фаол ёшлардан бири Шахло Ҳасанова тинимсиз меҳнати ва устозларнинг берган ўғитлари натижасида 2023 йилда бўлиб ўтган “Беш ташаббус” олимпиадасининг рақс йўналишида республикада фахрли 3-ўринни эгаллади. Спортнинг street workout йўналишида эса Умеджон Убайдов вилоятда фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида 8 нафар ёшимизга 500 миллион сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди. Бу ёш тадбиркорлар “Тенгдошга-тенгдош” усулидан фойдаланиб, ўзлари қатори ёшларни ҳам иш билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиб келишмоқда.



Менинг ҳам жамиятда ўз ўрнини топишимда Флора Эргашевна, Ашур Қодиров, Ойбек Саидов каби устозларимнинг меҳнати катта.

Бехруз Кенжаев,
Бухоро туманидаги
“Зарманок” МФЙ ёшлар
етакчиси.


2024 йилда 24 нафар талабаларнинг “Yoshlar daftari” орқали белгиланган маблағлар ҳисобидан шартнома тўловларини амалга оширишга кўмаклашган. 14 нафар ёшга уларнинг касб-хунар сирларини пухта ўзлаштиришларига ҳамда оила даромадидагулуш кўшишлари учун турли асбоб-ускуналар олиб бериш ишларига бош-қош бўлган.

Илм-маърифатни талқин қилиш, ёшларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш етакчига таниш ҳолат. Маҳалладаги 100 нафардан ортиқ ёш айнан етакчи саъй-ҳаракати билан “Беш ташаббус” олимпиадасида фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришган.

Ҳозирги кунда ёшларнинг тил билиш даражаси олд масалага

Сизни яхши
кўраман, устоз!

Ўтмиш сабоқлари, бугунимиз гўзаллиги ва келажакимиз гуллаб-яшнашида том маънода устозларнинг заҳматли меҳнатлари сабабдир.



Қуёш нури оламни ёритганидек, устоздан тараладиган илм чўғи қалбимизга озуқа бўлади. Бугунги кунда шеърят оламига қадам қўйишимда ҳам устозим Моҳиғул Исмавованинг

ўрни беқиёс. Шеърларим оддий қоғозда қолиб кетмаслиги учун устозим мени қўллаб-қувватлаб, ёрдам қўлини чўзгани ҳануз ёдимда. Устознинг эътибори, меҳнати туфайли бугун шеърини китобим “Бойчечак табассуми” номи билан нашр этилди.

Кучоқлари гулга, юзлари нурга тўлган устозларимизнинг бахтдан, ғуруру сурурдан порлаб турган кўзларида шундай ифода акс этади, гўё. Берган билимлари ва ҳамма-ҳаммаси учун устозимга миннатдорлик билдираман. Сизни яхши кўраман, устоз!

Зарифа Мухаммадова,
Бухоро давлат
университети филология
факультети талабаси

“Имкониятни кутма, уни ўзинг ярат”




Устоз - бу ўзидан кейин ҳар бир инсоннинг ҳаётида сезилмас аммо, жуда муҳим из қолдирувчи буюк зот.

Устоз, деганда кўз олдимда илк бор отажоним гавдаланадилар. Отам Мирхон Ражабов ўқитувчи бўлиб фаолият юритадилар. Менга ҳаётда ўзига ишонччи, мақсад қўйишни ўргатган инсон. Улардан куч оламан. Отамнинг “Имкониятни кутма, уни ўзинг ярат” дея руҳлантиришлари бугун мустақил шахс сифатида шаклланишимга пойдевор бўлиб келяпти.

Зарина Тоирова,
Бухоро туманидаги “Работак” МФЙ
ёшлар етакчиси.

ҚАЙНОНАМ – УСТОЗИМ

Мен ҳаётимдаги энг яхши устозим, деб қайнонамни айта оламан. Чунки кўпинча ишдан кеч қайтаман. Доим мен томон бўлиб, уй ишларида ҳам бирга кўмаклашадилар. Шунинг учун ҳам маслаҳатгўйим, маслақдошим, шак-шубҳасиз, қайнонамдир.



Бугунги кунда маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритяпман. Ва бу фаолиятим давомида кўпроқ эътиборимни маҳалладаги 16 нафар имконияти чекланган ёшга қаратиб келяпман. Маҳалламиздаги оиласида аҳволи оғир ёшларга ҳам бир қатор ёрдам кўрсатишда ўз ваколатим доирасида амалий ишлар олиб борапман. Фаолиятимдаги жамики ютуқларим устозим, деб билган қайнонамникидир. Уларга ҳар қанча миннатдорлик билдирсам ҳам кам.

Зулфия Ақрамова,
Бухоро туманидаги “Работипоён” МФЙ ёшлар
етакчиси.

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HANM KOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:
Shavkat Rahmonov
Mirali Hamroyev
Jamol Nosirov
Gulnora Samiyeva
Mirshod Ochilov

TAHRIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:
Xurshid Abdullayev

Gazeta "Buxoro bosmaxonasi" MCHJda
1507 nusxada bosildi.

Bosmaxona manzili:
Buxoro shahri, I. Mo'minov ko'chasi, 27-uy
Tel: (0365)223-25-38

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qo'g'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 09.10.2024 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga bulin.